

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**THE ROLE AND IMPORTANCE OF PROSECUTORIAL OVERSIGHT IN ENSURING COMPLIANCE WITH STATE LANGUAGE LEGISLATION****Sirojiddin Saparbaev***Head Prosecutor of the Prosecutor's Office Department
Uzbekistan***ABOUT ARTICLE****Key words:** state language, prosecutorial oversight, legislation, Uzbek language, society.**Received:** 26.10.24**Accepted:** 28.10.24**Published:** 30.10.24**Abstract:** This article analyzes the role and significance of prosecutorial oversight in ensuring compliance with legislation on the state language. Efforts aimed at enhancing the status and value of the state language in society are examined, highlighting specific issues and proposing clear solutions.**ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ****Сирожиiddин Сапарбаев***Бош прокуратура бошқарма прокурори
Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА****Калит сўзлар:** давлат тили, прокурор назорати, қонун ҳужжатлари, ўзбек тили, жамият.**Аннотация:** Мазкур мақолада давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рию этилиши устидан прокурор назоратининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Давлат тилининг жамиятдаги маъқеи ва кадр-қимматини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар таҳлил қилиниб, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан аниқ таклифлар баён этилган.**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА СОБЛЮДЕНИЕМ
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ГОСУДАРСТВЕННОМ ЯЗЫКЕ****Сирожиiddин Сапарбаев***Прокурор управления Генеральной прокуратуры
Узбекистан***О СТАТЬЕ****Ключевые слова:** государственный язык, прокурорский надзор,**Аннотация:** В статье анализируется роль и значение прокурорского надзора за

законодательство, общество.	узбекский язык,	соблюдением	законодательства о государственном языке. Рассматриваются усилия, направленные на повышение статуса и значимости государственного языка в обществе, выявляются существующие проблемы и предлагаются конкретные решения.
-----------------------------	-----------------	-------------	---

Кейинги пайтларда мамлакатимизда давлат тилининг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини ошириш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаш доирасини кенгайтириш, замонавий илм-фан ривожига давлат тилининг ўрни ва ролини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ, сўнги вақтларда айрим юртдошларимиз томонидан она тилимизга нисбатан беҳурмат муносабатда бўлиб, уни бузиб талаффуз қилиш, баъзи сўзларимизга чет тиллардаги сўзларни қўшиб айтиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги имло хатоларига тўла ёзишмалар, маиший тадбирларда, аҳоли билан мулоқотларда, кўчаларда, биноларни номлашда ва рекламаларда чет элдан кириб келган сўзлардан кўр-кўрона фойдаланиш (*Ла-пиёла, Версал, Pepsi OKmi?*) оддий ҳолатга айланиб қолмоқда.

Шундай вазиятда табиий савол туғилади. Нега жамиятда ўз она тилимиз қадрсизланишига, обрўсизланишига жим қараб туришимиз, лоқайд муносабатда бўлишимиз керак? Ахир, онамизни кимдир ҳақорат қилса ёки сабабсиз ранжитса жим қараб тура олмаймиз, дарҳол уни бор кучимиз билан ҳимоя қилишга киришамиз. Худди шу сингари, давлат тилимиз ҳимояси ҳам биз учун ана шундай шарафли ишлардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев бу хусусида тўхталиб, “ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни Онам ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим” деб таъкидлаган эди.

Сўнги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасида кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 10.04.2021 йилдаги қонуни билан 21 октябрь Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.10.2019 йилдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 20.10.2020 йилдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармонлари шулар жумласига киради.

Аҳамиятлиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган ПФ-5850-сон Фармони билан асосий вазифаси давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш ҳамда

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини мувофиқлаштириш бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарори билан давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз томонидан жамиятда давлат тилининг нуфузи ва мавқеини оширишга қаратилган кенг қўламли саъй-ҳаракатларга қарамасдан, бугунги кунда она тилимиз ривожда айрим муаммоли ҳолатлар юзага келган бўлиб, қуйида ушбу масалалар ва уларнинг ечими бўйича айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтамыз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилиниб, 21.12.1995 йилда унинг янги таҳрири эълон қилинган бўлсада, мазкур қонун бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки ушбу қонунда давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби, бунинг учун масъул тузилма ҳамда унинг вазифа ва функциялари аниқ белгилаб берилмаган.

Иккинчидан, мазкур қонунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муайян соҳасида давлат тилини қўллаш бўйича мажбурий кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги жамият ҳаётининг барча соҳаларида хорижий тиллар ёки улардан ўзлашган сўзлар кенг истеъмолга кириб келишига замин яратмоқда.

Учинчидан, кўчаларда осилган реклама, эълон ва бошқа кўргазмали матнларнинг фуқаролар томонидан кўпинча давлат тилида эмас, балки истаган тилларда эълон қилиниши давлат тилининг нуфузига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин”.

Тўртинчидан, давлат тилини қўллашда адабий тил меъёрларига эмас, ҳудуд шева ва лаҳжаларининг кенг истеъмолга кириб келаётганлиги давлат тили ривожига салбий таъсир этадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Бешинчидан, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, унинг асослари ва мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаш-тириш ва бунга ваколатли бўлган давлат органи тўғрисида нормалар қонунчиликда аниқ белгиланмаган. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 42-моддасида маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлсада, ушбу ҳуқуқбузарлик учун қайси орган масъул ҳисобланаши ва унинг ваколат доираси кодексда аниқ кўрсатилмаган. Натижада қонун қабул қилинган вақтдан бошлаб, бугунги кунга қадар тил тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун шахсларнинг жавобгарлик масаласи деярли ҳал этилмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг барчаси давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан таъсирчан прокурор назорати ўрнатиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг

2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Конституциявий тузумни асосий шартларидан бири давлат суверенитети бўлса, давлат суверенитетининг асосий белгиларидан бири эса давлат тили мустақиллиги ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим О.Хусанов бу хусусида тўхталиб, “амалдаги Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги ҳақидаги қоида “Давлат суверенитети” бобида бежиз белгиланмади. Маълумки, давлат тилига эга бўлиш суверен давлатга хос хусусият. Суверенитет ва давлат тили бир-бири билан боғлиқ ҳодисадир” деб ёзади.

Бундан кўриниб турибдики, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш прокуратура органлари учун янги эмас, балки асосий ва муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ўзбек тилининг давлат тили эканлиги, биринчидан барча қонунлар, қонуности ҳужжатларини давлат тилида тайёрланиши ва амал қилинишини аниқлаш, иккинчи томондан, барча давлат идораларида иш юритиш, ҳужжатларни тайёрлаш ўзбек тилида олиб борилишини таъминлайди. Бироқ, амалда доим ҳам ушбу нормаларга амал қилинмайди.

Хусусан, прокуратура органлари томонидан ўтказилган ўрганишларда, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа идоралар фаолиятида давлат тили ҳақидаги қонун талабларини бузиш билан боғлиқ **8 минг**дан ортиқ ҳолатлар аниқланган.

Қонун бузилишлар асосан имло қоидаларини бузиш (3 552), иш ҳужжатларини юритиш ва ички идоравий ҳужжатларни қабул қилишда белгиланган талабларга риоя қилмаслик (1 750), ташқи ахборот матнларида давлат тили нормалари бузилиши (1 502), географик

объектларни номлашда қонун талабларини бажармаслик (260) каби кўринишларда содир этилган.

Бу ҳолатларнинг аксарияти мактабгача ва мактаб таълими тизими, соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳокимликлар, бандлик, кадастр ва солиқ органлари фаолиятида аниқланган.

Мазкур рақамларнинг ўзи Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасида кўрсатилган “қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган” ҳолатда эканлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади.

Биринчидан, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ташкил этишда прокурор назорати муҳим ўрин тутати. Чунки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ичида бирор-бир идорага қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ваколати берилмаган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларида назорат объектларида текширишларни ташкил этишда муайян қонунчилик ижроси билан бирга соҳадаги юридик хизмат аҳволи, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, меҳнат қонунчилиги ва ижро интизомига риоя этилиши ҳолати доимий ўрганиб борилиши белгиланган.

Табиийки, прокурорлар томонидан назорат объектларида қайси қонунчилик ижроси текширилишидан қатъий назар, юқорида санаб ўтилган соҳалар ҳам бир вақтда ўрганиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича ягона амалиётга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларига “назорат объектларида текширишларни ташкил этишда ўрганилаётган қонунчилик ижроси билан бирга юридик хизмат аҳволи, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, меҳнат қонунчилиги, ижро интизоми ҳамда **давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши аҳволини доимий ўрганиб бориш**” лозимлиги тўғрисидаги талабларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Бу эса, бир томондан, прокуратура органлари ходимларида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмуни билан мунтазам равишда танишиб бориш заруратини юзага келтирса, иккинчи томондан, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши аҳволи доимий прокурор назорати марказида бўлади.

Иккинчидан, прокуратура органлари тизимида ўзбек тили саводхонлигини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, бунинг учун Бош прокурорнинг

тегишли буйруғини қабул қилиб, унда ходимларга давлат тили бўйича қўйиладиган талаблар ҳамда текшириш ва ўрганиш ишларини амалга ошириш тартиби ва муддатларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
www.president.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 257-модда.
3. О.Т. Хусанов Конституциявий ҳуқуқ: дарслик. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр. – Тошкент: Юридик адабиётлар публиш, 2020. – 65 бет.